



9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



ДОРИЛОМОН КУНЛАР ҚАДРИ

Қарши шаҳрининг Самарқанд маҳалласида яшовчи Эшбой ота Омонов Иккинчи жаҳон урушидан қайтгач шаҳар уй-жойдан фойдаланиш бошқармасида узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилди. Юрт ободлиги, бунёдкорлик ишларида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. 90 ёшни қаршилаган отахон эл-юрт фаровонлиги, яқинларининг меҳр-эътиборини кўриб бугунги кун учун шукроналар келтиришдан асло чарчамайди.

— Шундай тинч, осойишта ва дориломон кунларни кўриш насиб этганидан бехад хурсандман, — дейди Эшбой ота. — Бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш барчамизнинг бурчимиздир.

Суратда: Қарши шаҳри Самарқанд маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Эшбой ота Омонов.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

28 АПРЕЛ — БУТУНЖАҲОН МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

Ҳамкорликдаги фаолият албатта ўз самарасини беради

Иш жойи носоз, зарур қулайликлар яратилмаган бўлса, фалокат оёқ остида деяверинг. Шу боис меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига жавобгар шахслардан ўта даражада масъулиятли бўлишни, бошланғич касабани уюшма ташкилоти томонидан эса назоратни кучайтиришни тақозо этади. ЎЗКУФК ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш борасида ижтимоий шериклар билан биргаликда олиб бораётган ишлари ва эришилган натижалари» мавзусидаги давра сўхбатига ана шулар хусусида сўз юритилди.

Унда Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳамда касабани уюшма ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирок этди. Давра сўхбатини Федерация Кенгаши раиси ўринбосари Нормат Аллаёров олиб борди.

— Бугунги мулоқотимиз ҳар жиҳатдан фойдали бўлишидан барчамиз бирдек манфаатдоримиз, — деди у. — Келинлар, кимнинг дилида қандай гапи бўлса очиб айтсин токи, баҳамжиҳат фикрлашиб олайлик, муаммолар ечими ҳақида биргаликда бош қотирайлик.

Н. Сулаймонова, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи:

— Вазирлигимиз ва касабани уюшмалари ҳамкорлигида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Авваламбор, меҳнат муҳофазаси бўйича ўрнатилган тартиблар қабул қилинаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг соҳага доир қарорлари асосида дастурлар қабул қилинган бўлиб, уларга мувофиқ 35 та тармоқлар бўйича меҳнат муҳофазаси борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, янги қоидалар билан бойитиш белгиланган. Бугунги кунда 142 та меҳнат муҳофазаси бўйича қоида ва нормалар ишлаб чиқилиб, амалиётга таъбиқ қилинган. Улар интернетдаги веб-сайтимида жойлаштирилган бўлиб, барча фуқаролар бемалол фойдаланишлари мумкин.

Тахлилларга келсак, жорий йил биринчи чорагида 112 та бяхтсиз ҳодиса қайд этилган. Бу рақам ўтган йил билан солиштирилганда, кўпаймаган. Аммо айрим ҳудудларимизда, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Навоий каби вилоятларда бяхтсиз ҳодисалар сони ортганини қайд этишга тўри келади. Сабаблари ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, ходимлар меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилмаган, ишлаб чиқариш талабларига безътибор бўлган ва энг ёмони, назоратда ҳам суқташликка йўл қўйилган.

Меҳнат муҳофазаси қандай ташкил этилгани юзасидан ҳамкорликда қорхона ва ташкилотларда 695 та текширув ўтказилган. Натижада, 40 миңдан зиёд камчиликлар аниқланган. Бунга сабаб битта: меҳнат муҳофазаси қоидалари кўпол равишда бузилган, ишга яроқсиз дастгоҳлардан фойдаланилган. Шу боис жорий йилнинг биринчи чорагида ана шундай 140 та дастгоҳ фаолияти тўхта-тилди. 730 нафар мансабдор шахс маъму-

рий жавобгарликка тортилди.

Юқорида айтилганидек, гарчи 35 та тармоқ бўйича меҳнат муҳофазаси қоидалари ишлаб чиқилган бўлса-да, улар кўпи ташкилотларга тўлақонли етиб бормапти. Ўз-ўзидан аёнки, ушбу қоидаларнинг жойларга етиб боришида, унинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришда ҳали кўп иш қилишимиз керак. Яна бир тақлиф. Биласиз, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганига 19 йил бўлапти. У анча эскириб қолди. Бинобарин, қонуннинг янги тахририни қабул қилиш — давр талаби. Касабани уюшма ташкилотлари ҳар бир тармоқда, ҳар бир қорхонада мавжуд масалалар юзасидан ўз тақлифлари билан чиқишса, айна мудоаа бўларди.

Г. Солюкова, Савдо-саноат палатасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича бош мутахассиси:

— Меҳнат шароити яхши, иш жойи қулай ва шинам бўлса, меҳнатнинг машаққати сезилмайди. Бу ҳол соғлиқ учун ҳам яхши.

Дарҳақиқат, инсон саломатлигидан катта бойлик йўқ. Уни асраш эса меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ходимларига улкан масъулият юқлайди. Шунинг учун имкон қадар меҳнат аҳлига яқин боришимиз, уларнинг оғирини енгил қилишимиз, иш жойларида мириқиб, хавф-хатарсиз ишлашнинг таъминлашимиз жоиз. Бу борада бизнинг палата ҳам четда тургани йўқ. Ўтган йил 198 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси экспертизасида иштирок этдик. Уйлайманики, уларнинг ҳаммаси эзгулик йўлида хизмат қилари.

У. Адиллов, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири:

— Бош келишув ва тармоқ келишувларидаги нормаларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Хайъатининг қўшма қарори билан 2011-2012 йиллар учун қўшма тадбирлар режаси тuzилди. Унда меҳнатни муҳофаза қилишга оид 9 та банд мавжуд бўлиб, ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, аъзо ташкилотлар ва ҳудудий кенгашларнинг тақлифлари асосида жамоа шартномаларини тузишга оид тавсиялардаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг кенгайтирилган намунаси ишлаб чиқилди. У Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси томонидан келишилган жамоа шартнома-

рини тузишга оид тавсиялар макетига кири-тилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий база-ни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Дастурга муво-фиқ ўтган йилда 82 та меҳнат муҳофазаси бўйича норматив-техникавий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди. Шундан 39 та меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича, 11 та мах-сус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий химоя воситаларини бепул беришнинг тармоқ на-мунавий нормалари ва 11 та саноат хавф-сизлиги бўйича қоидалар келишиб олинди.

Янги ташкил этилган иш ўринларида меҳ-нат қилаётган фуқароларнинг меҳнат ва меҳ-нат муҳофазасига оид ҳуқуқлари, улар учун белгиланган қўшимча кафолатлар ҳам син-чиқлаб ўрганилмоқда. Қорхона ва ташкилот-ларда меҳнатни муҳофаза қилиш, шу жум-ладан, аёллар ва 18 ёшга тўлмаган иш бе-рувчиларнинг меҳнат муҳофазаси ҳолати, иш бе-рувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилинганиги, ногирон-ларни ижтимоий инфратузилма объектлари-га тўқилмасиз кириш ва бошқа тегишли масалалар ҳам алоҳида эътиборда.

Касабани уюшма ташкилотлари томонидан ўтган йили меҳнатни муҳофаза қилиш қои-даларига риоя этилиши устидан жамоат тек-штируви ва назоратини таъминлашда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жум-ладан, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ ни-золарнинг судда кўриб чиқилишида қатна-шиб, 56 нафар ходим ва боқувчисини йўқот-ган шахсларнинг мафазати ҳимоя қилинди. 122 марта тиббий-меҳнат эксперт комиссия-си мажлисларида иштирок этилди.

Жамоатчилик назорати тартибиде 2011 йил-да меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис-ларимиз томонидан 7582 та қорхона ва ташки-лотлар фаолияти ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Ўрганилган қорхоналарда 31,6 миңга яқин қонун бузилишлари аниқланиб, 3462 та тақдирнома киритилди ва натижада уларнинг 20 миңга яқини иш берувчилар то-монидан баргараф этилишига эришилди.

Ш. Раҳимхўжаев, Фарғона вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири:

— Вилоятда 2652 та бошланғич касабани уюшма ташкилоти бўлиб, уларда иш берув-чилар ҳамда касабани уюшмалари ўртасида жамоа шартномалари имзоланган. Унга қўра, «Меҳнатни муҳофаза қилиш битим келишув-лари»да қўзда тутилган меҳнат жараёнида ишчи-ҳодимларнинг хавфсизлиги, саломат-лиги ва иш қобилияти сақланишини таъмин-лашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий-техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика ишлари яхши йўлга қўйилган. Режадаги тадбирларни бажариш мақсадида 2011 йил 18,4 млрд. сўм маблағ сарфланди.

(Давоми 2-бетда).

Раёсат йиғилиши

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгаши раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда тармоқ Марказий кенгаши томонидан жорий йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишлар, 2012 йил учун даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг бажарилиши, тизимдаги вазирлик, идора, давлат ташкилотлари ва банклар билан тузилган тармоқ келишувларининг 2011 йилдаги ижроси каби бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга қўмаклашиш бўйича «Устоз-шогирд» тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар режаси, Марказий кенгашнинг меҳнат муҳофазаси соҳасида 2012 йилга белгиланган вазифалар асосида назорат-режаси, ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва «Касабани уюшмалари болаларга» акциясини ўтказиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

ОИЛА БЮДЖЕТИ ВА ТАДБИРКОРЛИК



Мухтасар опа ҳар кунгидек, бир қизини қўлидан етаклаб, бирини аравачасига солиб боғча томон йўл олади. Аммо ярим йўлда қўлидан етаклаб, бирини аравачасига солиб боғча томон йўл олади. Хайрият, қизақонини ушлаб қолишга улгурди. Эссизгина, аравача уларнинг оғирини енгил қилаётган дастёр эди. Энди икки қизини эплаб, қандай боғчага қатнайди? Янги аравача олишга имкони бўлмагани сабаб дам олиш куни турмуш ўртоғига «тузатиб кўринг-чи», деб илтимос қилади. У ёғ-бу ёғидан ўтиб, тушгача уннаган Мансур ака ниҳоят аравачини тузати. Худди янгидек бўлди. Кейинги кун қўшниларидан бири «Аравачангиз бузилган эми-ку, ким тузати?» — деб сўраб қолади. Мансур ака тузатганини эшитиб, «Бизда ҳам синган аравача бор, тузатиб берсинлар», — деб илтимос қилади.

Аравасоз

— Бу воқеага чамаси 15 йил бўлди, — дея хотирлайди Мухтасар опа Қодирова. — Вақт ўтиб, таниш-билиш, маҳалла-қўйда кимнинг аравачаси бузилса, бизга олиб келадиган бўлишди. Турмуш ўртоғим уларни таъмирласа, мен устки матолари, ғилофларини тикардим. Шу-шу ишга киришиб кетдик. Кейинчалик чиқиндилар, яроқсиз холга келган буюмларнинг темирдан ўзимиз болалар аравачалари ясай бошладик. 1973 йил Марғилон шаҳрида таваллуд топган қахрамонимиз матбуот нашрларидан бирида фольет юритиш билан бир қаторда 14 йилдан буён умр йўлдоши Мансур Охуновга ҳамроҳ бўлиб, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб келмоқда.

— 5 нафар фарзандимиз бор. Улар ҳам бизга ёрдам беради. Бўш вақтларида фойдали иш билан бандлигидан хурсандман. Хунар ўрганиши, оила даврасида биргаликда меҳнат қилиш инсонга завқ бағишлайди. Марғилон — хунармандлар юрти. Бироқ шаҳримизда бу каби иш билан шуғулланувчилар деярли йўқ. Шу сабаб тез танилдик. Ҳатто қўшни шаҳарлардан сўраб келувчилар, шогирд бўлай, ишингизни ўргатинг, дегувчилар бўлди, — завқланиб хикоя қилади Мухтасар опа.

Мухтасар опа ва Мансур ака ногиронларнинг ёши ҳамда ҳасталигига қараб улар учун қулай бўлган араваларни ҳам ясашади. Маҳсулотлари чекланган миқдорда бозорга чиқарилса-да, харидоргир. Са-

БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР Тўлиқ тасдиқланди

Газетанинг 2012 йил 6 мартдаги 29-сониде чоп этилган «Намуна бор лекин...» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан вилоят прокуратурасининг топшириғига асосан Жиззах шаҳар ва туман прокурорлари томонидан Жиззах вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тизимидаги касб-хунар коллежлари ва академик лицейлардаги мавжуд ётоқхоналарда мутахассислар иштирокида прокурорлик текширишлари ўтказилди.

Текширишлар давомида Жиззах шаҳридаги Олимпия захиралари, тиббиёт, педагогика коллежлари, ЖДПИ қошидаги 1-сон академик лицейи, Арнасой иқтисодий ва хизмат курсатиш, Фориш кишлоқ хўжалик ва Гараша ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежлари ётоқхоналарида мақолада танқид остига олинган ҳолатларнинг барчаси тўлиқ тасдиқланди. Шу муносабат билан вилоятдаги мавжуд бошқа коллеж ва лицейларда ўтказилган текширишларда аниқланишича худди шундай қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилган.

Жумладан, коллеж ва лицейлар қошидаги ётоқхоналарда санитария қонун ҳужжатлари, нормалари ва гигиена, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганиги, ётоқхона бинолари таъмирга муҳтожлиги, иситиш, сув-оқова тармоқлари яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги, ёзми ётоқхоналарда талабалар белгиланган лимитдан кўп яшаётган бўлсалар-да, уларга зарур шарт-шароитлар яратилмаганлиги аниқланди.

Натижага қўра, қонунбузилишларга йўл қўйган 54 нафар масъул шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 53 ва 211-моддалари аломатлари билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди. 9 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. Фаолиятда камчиликлар аниқланган коллеж ва лицейлар раҳбарлари ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи номига 16 та тақдирнома киритилиб, моддий жавобгар шахслар томонидан етказилган 1 млн. 750 миң сўм моддий зарар учдирилиб, ётоқхоналардаги шароитларни яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

М.ЭРМАТОВ, Жиззах вилояти прокурори ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

Шоҳсанам НИЁЗОВА, ЎЗДЖТУ талабаси

Ҳамкорликдаги фаолият албатта ўз самарасини беради

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган йили бирлашма мутахассислари жамоатчилик назорати асосида 207 та ҳўжалик ҳамда касаба уюшмалари фаолиятини ўрганди. Натигада 1408 ҳолатда меҳнат муҳофазасининг бузилганлиги аниқланди. Камчиликларни бартараф этиш мақсадида 94 та тақдимнома киритилди. Уларнинг 1142 таси касаба уюшма органларининг аралашуви билан бартараф этилди. Ходимларга етказилган зарарнинг иш берувчилар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб берилиши юзасидан келиб чиққан меҳнат низоларининг 7 таси меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассисларининг иштирокида фуқаролик судларида қўриб чиқилиб, меҳнаткашлар фойдасига ҳал этилди.

Бироқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, иқтисодиётнинг нодавлат секторига фаолият кўрсатаётган корхоналарда ишчи-ходимларнинг эскирган дастгоҳ ва ускуналардан фойдаланиши, меҳнатни муҳофаза қилиш учун сарфланган лозим бўлган маблағларни қисқартриши, муҳандис-техник ходимларнинг малакасизлиги, меҳнат ва технология интизомининг талабга жавоб бермаслиги ишга салбий таъсир этаётгани сир эмас. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари асосан йирик саноат корхоналаридагина сақланиб қолган. Бундан ташқари, малакали меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси муҳандисларининг етимишаслиги ҳам жиҳдий муаммо бўлиб қолмоқда. Талаб корхона, ташкилотлар, айниқса, хусусий секторда меҳнатни муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифа соҳадан ироқ қилишларга юқлаб қўйилган. Шунинг сираги ва яна бошқа сабабларга қўра, вилоятда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланган кўрсаткичи юқориликка қўлмоқда. Масалан, ўтган йили 37 та бахтсиз ҳодиса қайд этилди. Шунинг 8 таси касаба уюшма ташкилоти бўлмаган хусусий корхона-



ларда юз берганлигига эътиборингизни тортмоқчиман.

Масаланинг яна бир ачинарли жиҳати бор. Айни чоғда содир этилган бахтсиз ҳодисаларни яшириши, бу жароҳатланганларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда расмийлаштириши, айбни жабрланувчининг ўзига ағдарishi ҳоллари, зарур тўловни тўлиқ миқдорда тўлашни истаманган иш берувчилар қаторига суғурта компаниялари ҳам қўшилди. Айрим суғурта компаниялари жабрланганларга Н-1 шаклдаги далолатнома расмийлаштирилганлигига қарамай, бахтсиз ҳодиса ўзининг айби билан содир бўлган деган баҳонани рўқча қилиб, зарур тўловларни амалга оширмайди.

Ш.Алимов, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари

касаба уюшмаси Марказий кенгаши меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси: — Бугунги кунда тармоқ келишувлари муайян тармоқнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланиши йўналишларини, тармоқ ходимлари учун тегишли меҳнат шартлоари, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда иқтисодий қафолатларнинг қўйи чегарасини белгилаб берувчи муҳим меъёрий ҳужжатга айланган.

Тармоқ Марказий кенгаши «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзимёсаноат» ДАК ва Республика геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси билан тармоқ келишувларини тўзган. Ундаги энг катта бўлимлардан бири меҳнатни муҳофаза қилишга қаратилган. Йилдан-йилга тармоқ (тариф) келишувларидаги меҳнатни муҳофаза қилишга оид бўлим тақомиллаштирилиб, бугунги кун талабига жа-

воб берадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борилмоқда.

Йил якуни бўйича тармоқ келишувларида акс этган меҳнат муҳофазаси бўлими бажарилиши тахлили шуни кўрсатадики, кўзда тутилган мажбурият ва имтиёзлар тармоқлар тизимидаги корхоналарда тўлиқ бартараф келинган. Ўтган йилда «Ўзимёсаноат» ДАК тизимидаги ҳар бир корхонада меҳнат муҳофазаси тadbирлари учун зарур бўлган ва жамоа шартномалари орқали белгиланган маблағларнинг сарфланиши — 4 млрд. 761 млн., «Ўзбекнефтгаз» МХКда — 22 млрд. 243 млн., «Ўзбекэнерго» ДАКда — 6 млрд. 778 млн. сўми ташкил этади.

Шу ўринда бир қатор тақлифлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун, аввало, меҳнат муҳофазаси вақчалари ва комиссияларнинг маъмурий-жамоатчилик назоратини олиб боришда фаол иштирок этишини таъминлаш, ходимларга меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича тўғри йўл-йўриқлар бериш, уларнинг билимларини сиёнаш ҳамда ходимлар мавжуд қонун-қоидаларга қатъий риоя қилишларида жамоатчилик назоратини қучайтиришимиз лозим.

Тармоқ тизимидаги айрим корхоналарда содир бўлган бахтсиз ҳодиса оқибатида вафот этган ходимнинг оиласига бир йўла берилмаган нафақа пулини тўлаб бериш; «Ўзбекнефтгаз» МХК тасарруфидоги айрим корхоналарда шахар ёки қишлоқдан узоқ бўлган иш шартлоарида вахта усулида ишловчи ходимларни иш вақтида махсус сут билан таъминлаш; тармоқлар тизимидаги айрим корхоналарда меҳнат муҳофазаси жағмаларини тузиш каби масалаларда муаммолар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этишнинг аниқ чораларини қўриш ва иш берувчи билан ҳамкорликни қучайтиришимиз керак.

Давра суҳбати иштирокчиларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан баътафсил жавоб берилди.

Шунингдек, махсус иш қийими, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари ишлаб чиқарувчи «Нурфашон-нур» ҳамда «Химоя қийими» хусусий корхоналари махсуслотларнинг кўргазмаси ҳам барчада қизиқуши уйғотди.

Шарофат НОРКУЛОВА, Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» муҳбирлари. Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

МАТБУОТ АНЖУМАНЛАРИ

Миллий матбуот марказида «Ўзқишлоқхўжалик-машинизинг» компанияси «Фермер хўжалиқларини техника билан арзон ва қулай шартлар асосида таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини тақомиллаштириш масалалари, тажриба, амалиёт ва муаммолар мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Лизинг асосида

«Ўзқишлоқхўжалик-машинизинг» республикада етакчи лизинг компаниялардан бири бўлиб, жойларда унинг 13 та филиали ва 1 та шўъба корхонаси мавжуд. Бошқарув раиси Нодир Отажоновнинг таъкидлашича, компания қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғининг маҳаллий ва қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилган 38 дан зиёд турдаги қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг асосида етказиб беради. Хўкумат қарорига биноан ширкат ва фермер хўжалиқлари, машина-трактор парклари ҳамда ҳудудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятлари учун мазкур компания хизматидан фойдаланишда қатор имтиёзли шартлар белгиланган. Бунда лизинг объекти қийматининг 15 фоизига олдиндан тўланади. Техникалар фермер хўжалиқлари, Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм вилоятидаги машина-трактор паркларига (10 йил муддатга), бошқа вилоятлардаги машина-трактор парклари ва «Қишлоқхўжалик-машинизинг» акциядорлик жамиятлари (7 йил муддатга) берилади. Лизинг-фазининг йиллик миқдори Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаслиги зарур.

Компания ўз фаолиятини бошлаганда бери 25 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги корхонасига жами 590 млрд. сўм қийматдаги 37 миң 500 дондан зиёд турли техникаларни лизингга етказиб берди. Қиймат бўйича бу кўрсаткич 2011 йилда 133,2 млрд. сўми ташкил қилган бўлса, 2012 йилда 150,3 млрд. сўм бўлиши кутилмоқда.

Тadbирда мавзуга доир қатор фикрлар ўртага ташланди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» муҳбири

Ташқи иқтисодий алоқалар кенгайиши натижасида чегараларимиз орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситалари сонининг ошириб бериши, бир томондан, божхона органлари фаолиятини соддалаштиришни талаб этса, иккинчи томондан, республикамиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида назоратнинг янги шакли ва услубларини татбиқ этиш, унинг самарадорлигини янада оширишни тақозо этади.

Божхона тизими янги босқичда

«Божхона органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни татбиқ қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, ягона автоматлаштирилган ахборот тизимлари фаолиятининг соҳада тугган ўрни» мавзусидаги матбуот анжуманида шу ҳақда гапирилди.

Давлат божхона қўмитасининг ягона ахборот узатиш тармоғини яратиб бўйича Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «UzNet» ва «East Telekom» миллий провайдерлари билан ҳамкорликда қўрилган чоралар натижасида, Давлат божхона қўмитаси Марказий аппарати, унинг 15 та ҳудудий бошқармалари ҳамда барча божхона комплекслари ва постлари бугунги кунда ягона ахборот узатиш тармоғига бирлаштирилди. Бунда 4 хил алоқа тизимлари, яъни телефон тармоғи мавжуд постларда ADSL (мис сим) ва GM (шиша тола) модемлардан, алоқа тармоғи мавжуд бўлмаган постларда радио ва спутник алоқа тармоғидан фойдаланилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида божхона органлари фаолиятига реал вақт режимида ишловчи замонавий дастурларни татбиқ қилиш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг чегара божхона постларини катта ҳажмдаги юк ва автотранспорт воситаларини сканер қилувчи курилмалар билан таъминлаш мақсадида чет эл инвестициялари ва грант маблағларини жалб қилиш бўйича ҳам илгирлаш бор.

2011 йилда Тошкент вилояти божхона бошқармасининг «Ойбек» ва Сурхондарё вилояти божхона бошқармасининг «Айритом» божхона постларига сканер қурилмалари етказиб берилди. Жорий йилда эса худди шундай сканердан Сурхондарёдаги «Галаба» божхона постига ҳам етказиб бериш кўзда тутилмоқда.

Айтиш мумкинки, Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими, шунингдек, соҳада жорий қилинаётган ахборот технологиялари мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида божхона тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга қўтарди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ

Кунлар исиб кетиши билан ҳар хил мева ва сабзавотлар пишиб-етилиб, истеъмолга қира бошлайди. Бу маҳсулотлар инсон организми учун фойдали витаминлар билан бирга ўткир ошқозон-ичак ва бошқа юқумли касалликларга сабаб бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Фавуқулда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган анжуман ана шу масалаларга бағишланди.

Эҳтимолдан холи эмас

Унда соҳа мутахассислари навбатдаги «Республика ҳудудиде эпидемик ва эпизотик вазиёт ҳамда барқарорликни таъминлашда олиб борилаётган профилактика чора-тадбирлари» мавзусида ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар хусусида атрофича маълумот берилди.

Жойларда аҳоли ва чорва моллари орасида хавфли юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган тadbирлар режасига қўра қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, дехон бозорлари ҳудудиде ветеринария-санитария экспертизасидан ўтмаган маҳсулотларнинг сотилишига йўл қўймаслик бўйича назорат қучайтирилган. Давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларида авто, ҳаво, темир йўлларида фаолият юритаётган санитария-назорат ва ветеринария, карантин пунктлари ҳолати ўрганилиб, уларга услубий ёрдам кўрсатилмоқда. Дунё ва Марказий Осиё давлатларида ўта хавфли юқумли касалликларнинг тарқалиш ҳолати ўрганилиб, унинг олдини олиш мақсадида тахлил қилиб борилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирилари қoшда эпидемияга қарши штаб ташкил этилди. Унинг таркибига Фавуқулда вазиятлар бошқармалари ходимлари ҳам бириктирилиб, муҳим чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Давлат санитария-эпидемиология назорат марказларининг мутахассислари ёрдамида шахар ва туманларда мавжуд барча сув тозалаш ва тақсимлаш иншоотларида тоза ичимлик сувини тайёрлаш ва узатиш технологияларига риоя этилиши кучли назоратга олинган. Умумий овқатланиш, жамоат жойлари, озиқ-овқат сотиш шохобчаларида санитария-гигиена ва эпидемияга қарши қоидаларга риоя этилиши таъминланмоқда. Сифатсиз истеъмол маҳсулотларининг савдосига йўл қўймаслик бўйича назорат ишлари қучайтирилиб, аҳоли яшаш ҳудудлари, озиқ-овқат савдо мажмуалари, умумий овқатланиш жойлари, очиқ сув ҳавзалари атрофида машиий чиқиндилар тўпланишига йўл қўймаслик ва уларни белгиланган тартибда йўқ қилиш борасида муҳим ишлар олиб борилмоқда.

Дилором АЛЛАКУЛОВА, «Ishonch» муҳбири

МАЪНАВИЯТ СОАТЛАРИ

Қизиқарли ўтди

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгашида туман (шаҳар) кенгашлари раислари, Тошкент шаҳрида жойлашган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ва газначилари учун «Маънавият соати» ва касаба уюшмаларининг йўналишлари бўйича ўқув-семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридоги Давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудири, сийасатшунослик фанлари доктори, профессор Нарзулла Жўраев Юртбошимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳияти ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида маъруза қилди. ЎзҚУФ молия бўлими мудири Ашур Асадов касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида, Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг меҳнаткашлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўлими мудири Эркинали Усмонов «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати тўғрисида» атрофича тушунча бердилар.

Ўз муҳбиримиз

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда «Тармоқ тизимидаги муассасаларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва «Маънавият соатлари»ни ўтказиш» мавзусида ўқув-семинар ўтказди.

Тавсиялар берилди

Тadbирда туман, шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмиталарининг маданий, маърифий, жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш масалалари бўйича комиссия аъзолари, таянч касаба уюшма қўмитаси раислари иштирок этди. Вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Р.Носирова «Тармоқ тизимидаги муассасаларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича касаба уюшма ташкилотларининг вазифалари», тарих фанлари номзоди, доцент Ф.Аминов «Маънавият соатларини ўтказиш бўйича тавсиялар» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, комиссиялар фаолиятини ташкил этиш, маънавият соатларини ноанъанавий усуллар, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш бўйича тавсиялар берилди.

Ўқув-семинар иштирокчилари Бухоро шаҳридаги 3-ўрта умумий таълим мактабиде ўтказилган «Маънавият соати»да қатнашди.

Ўз муҳбиримиз

Қадриятлар кўзгуси

«Пахтаसानоат илмий маркази» ОАЖда «Маънавият соатлари» доирасида ўтказилган семинар-тренинг «Тўй ва маросимлар — қадриятларимиз кўзгуси, улардаги номанзур ҳолатларга чек қўйилки!» мавзусида бўлди. Унда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тизимидаги корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмитаси раислари, кадрлар бўлими мутахассислари ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимлар иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридоги дин ишлари бўйича қўмита бўлими бошлиғи Муҳаммадбобур Йўлдошев тўйлардаги ортиқча дабдабаозлик, никоҳини расмийлаштирмай оила қуриш ва эрта никоҳнинг оқибатлари ҳақида бир қатор фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлади. Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими масъул ходими, педагогика фанлари номзоди, доцент Ақром Акмалов Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти ва аҳамиятига батафсил тўхталиб ўтди.

Семинар-тренингда корхона ва ташкилотларда қулай меҳнат шартини яратиш, меҳнат муҳофазаси, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш масалалари бўйича иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» муҳбири

БОШЛАНГИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИДА

Тошкент педиатрия институти Нукус филиали касаба уюшма қўмитаси ўз атрофида 166 нафар профессор-ўқитувчи, юзга яқин ишчи-хизматчи ҳамда 1332 нафар талабани бирлаштирган.

Масъулмиз

Мутасаддилар билан ҳамкорликда ижтимоий-иқтисодий ҳимоя турмуш фаровонлигини ошириш, меҳнатни муносиб баҳолаш ва иш шартлоари яхшилаш юзасидан қатор ишларни амалга оширишмоқдамиз.

Айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг меҳнат ҳуқуқлари алоҳида ҳимояланган. Бунда жамоа шартномаси қўл келмоқда.

Мустаҳкам оила йилда асосий этиборни ходимлар саломатлигини муҳофаза қилишни қучайтиришга қаратганмиз. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга бағишланган кўплаб давра суҳбати, анжуманлар ташкил қилинмоқда. Шунингдек, спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар уюштирилмоқда.

Касаба уюшмаларининг мазмун-моҳиятини аъзоларимизга тўла етказиш мақсадида «Касаба уюшмалари ҳаётида» деб номланган баннер тайёрланди. Унда бошланғич ташкилотимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар кенг асб эътирилган. Бу эса аъзоларнинг касаба уюшмасига бўлган ишончи ортишига сабаб бўлмоқда.

Филиалимизда талабаларнинг

интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга айрича этибор қаратилган. Шу мақсадда «ШОК» жамоамизга ҳомийлик қиляпмиз. Саъй-ҳаракатимиз самараси улароқ гуруҳимиз республика «Кувноқлар ва зукколар» танловларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Шунингдек, «Кийим — одоб нишониси», «Қизлар беллашганда», «Йигитлар султони», «Ватаним, сени қуйлайман» мавзуларидаги кўрик-танловлар уюштириш анианага айланган. Талабаларнинг тарихий жойларга саёҳати уюштирилмоқда.

Ёшлар — келажакимиз. Уларнинг ҳам маънаф, ҳам жисмонан соғлом бўлиб камолга етишига барчамиз масъулмиз. Бунинг учун ёшларнинг турли оқимларга қўшилишининг олдини олиш, гивҳандлик иллатидан узоқда яшашига қўмақлашш даркор. Инсониятни таназзулга бошловчи турли иллатлар фoш этилган ҳужжатли филмларнинг намойиш қилиниши ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

С. МЕЛДЕБЕКОВА, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали касаба уюшма қўмитаси раиси

ЭЪТИБОР

Жиззах туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси Абдурауф Аваалбоев касаба уюшмасининг имтиёзли йўлланмаси билан сикаттоҳда даволаниб, дам олиб қайтди. У ўзига қўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун касаба уюшма ташкилотидан миннатдор.

РАҒБАТ

Асосий эътиборни ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини таъминлашга қаратмоқдамиз, — дейди мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Гулчехра Номозбоева. — Бошланғич ташкилотимизнинг 92 нафар аъзоси бор. Ўтган йили 4 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Икки нафари имтиёзли йўлланма асосида сикаттоҳда дам олди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти оилавий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаб, уларга истеъмол кредитлари олиб беришга қўмақлашмоқда. Ходимларнинг томорқадан фойдаланиши, паррандачилик ва чорвачилик борасида биз-нес режалар тузишида молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

А.СОДИҚОВ

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Шиддаткор замон ҳар соҳада тараққиётни тақозо қилмоқда. Мазкур талаб касаба уюшмалари тизимида ҳам долзарб аҳамиятга эга. Ишловчилар манфаатини доимий равишда ҳимояловчи нуфузли ташкилот ишини тақомиллаштириш, янги босқичга кўтариш юзасидан жойларда турли тadbирлар ўтказилаётир. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши мутахассислари томонидан тармоқ касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгашида ўтказилган ўқув-семинардан ҳам шундай мақсад кўзланган эди.

Ўргангани ўзига

Даставвал, Марказий кенгаш мутахассислари гуруҳларга бўлинган ҳолда бошланғич ташкилотлардаги иш суърати билан танишиб, тегишли услубий тавсиялар, амалий ёрдам кўрсатишди. Фаолиятни тахлил қилишининг якуни эса мазкур ўқув-семинар давомида кечди.

— Йўл қўйилган камчиликларга ўз вақтида барҳам берилиб, фаолиятни изчил шакллантиришга оид тавсияларга амал қилинса, табиийки, ишимизда олға силжиш бўлади, — таъкидлади кириш нутқида тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Нигора Нурматова. — Чунки бизнинг асосий бўғинимиз бошланғич

ташкилотлардир. Бу ерда ишни кўнгилдагидек ташкил этимай туриб, юқори марраларни кўзлаш мантиққа зид. Бугунги тadbир давомида етакчиларимизнинг назарий билимлари янада бойиб, ўз олдларига устувор мақсадларни белгилаб кетишди, деган умиддаман.

Марказий Кенгаш бош ҳуқуқшуноси У.Абдурахмонов меҳнат қончилигига риоя қилиниши, бевосита жойлардаги камчиликларни бартараф этиш хусусида маъруза қилди. Марказий Кенгаш ташкилий ишлар бўлими мудири Д.Тошматова эса Устава талаблари асосида иш юритишга алоҳида тўхталиб ўтди. Марказий Кенгашининг молия бўлими

бош мутахассиси Г.Абидованинг «Касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, 3 фоизли мақсадли аъзолик бадал ҳисобидан саноаторий ва дам олиш уйларига йўлланма бериш, тарқатиш, ҳисоботларни топириш тўғрисида»ги маърузаси қизгин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди.

Ўқув давомида бошланғич ташкилот етакчилари маданий-маърифий ишлар, меҳнат муҳофазаси масаласи, Ёшлар кенгаши фаолияти юзасидан маълумотларга эга бўлишди. Шунингдек, маълумот ва рақамлар асосида фаолиятларини ўзаро тахлил этишди.

Д. РАҲМОНОВА, «Ishonch» муҳбири

ТҮЙХАТ ҶУРНИДА

Ар сафар сўраганимда унинг ўта маданиятлиги-ю, ширинсуханлиги мени ўзига оҳанрабодек тортар ва беихтиёр бунинг сирини мада эканлигини билгим келарди. Кўпчиликнинг Маждид отага писбатан фикри яқдил эканлигини билгач, меҳрим янада ошди.



АСОСИЙ КАСБИ
ИНСОНЛАРГА НАФР КЕЛТИРИШ

Маждид Бердиев 1922 йил 25 апрелда Тошкент шаҳрининг Қашқар маҳалласида таваллуд топди. — Еттинчи синфини тугатгач, Тошкент тиббиёт институтини қошидаги ишчилар факультетини да тахсил ола бошладим, — дея хотирлайди ота ҳам. — Уша даврда ҳаёт анчайин оғир эди. Бизга 54 сўм стипендия тўланарди. Иккинчи курсни тугатганимдан сўнг рабфак тарқатилди. Кўпчилик қатори уни ҳам Охунбобоев номли техникумнинг тайёрлаш бўлимига ўтказишди. Ҳақиқат шоянча тугаллагач, 1942 йилдан Тошкентдаги эпидемияга қарши дезстанцияда меҳнат фаолиятини бошладим. Сўнг, Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлигида йўриқи бўлиб ишладим. 1954 йилдан бошлаб унинг меҳнат фаолияти касаба уюшма ташкилотларида кечди. Республика Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари ҳамда Тошкент вилоят каса-

ба уюшма ташкилотиди, ЎзКУФК қошидаги санаторий-курортлар кенгашида ишлади. 1986 йилда нафақага чиқди. Лекин уйда ўтира олмади. Умри давомида инсонларга фақат яхшилик қилиб ўрганган эмасми, 1991 йилдан 2004 йилгача Миробод туманидаги Шароф Рашидов номли маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатди. Маждид аканинг меҳнати ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Шуҳрат» медали, бир қатор нишонлар ҳамда Фахрий ёрликлар билан мукофотланган. Қуни кеча отахон ўзининг 90 йиллик ёшини яқинлари билан кенг нишонлади. Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, кўпсонли мушторилар номидан: — Тўқсон билан тўқнашдигиз, энди юз билан ҳам юзлашингиз, — деган тилани билдириб қоламиз. **Ўз мухбиримиз.**
Суратда: Маждид ота Бердиев оила аъзолари даврасида

Пойтахтга
саёҳат

Навоийлик 50 нафар касаба уюшма фаолининг Тошкентга саёҳати уюштирилди.

Сайёҳлар шаҳарнинг эътиборга лойиқ жойларини бориб кўришди. Сўлим истироҳат боғларида ҳордиқ чикаришди. «Шаҳидлар майдони»да ўтганларни хотирлаб, «Ҳазрати Имом» мажмуасини, «Мустақиллик» ҳамда «Хотира» майдонларини кўздан кечиришди. Темурийлар тарихи давлат музейи, айниқса, уларда катта таассурот қолдирди.

Сафар сўнгиди Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашида бўлдилар. Саёҳат учун барча сарф-харажатлар касаба уюшмалари ҳисобидан қопланди. **Ш. НОРКУЛОВА**

КҮРИК-ТАНЛОВ



ИСТИҚЛОЛ
ҒУНЧАЛАРИ

Тошкент Давлат Консерваториясида «Болалар бадий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Иштирокчилар анъанавий ижрочилик, эстрада кўшиқчилиги, яқна ва ансамбл чолғу ижрочилиги, яқна рақс ижрочилиги ҳамда жамоа рақс ижрочилиги йўналишларида ўз истеъдодларини намойиш этди.

Унда маданият муассасаларида фаолият юритаётган бадий жамоалардаги 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Танлов ғолибларини аниқлаш чоғида саҳнадаги ҳаракатдан тортиб, кийилган либосларгача алоҳида эътибор қаратилди.

Анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича Максам-Чирчик ОАЖ Кимёгар маданият саройи «Марварид» гуруҳи иштирокчиси Ирода Дашкинова, Эстрада кўшиқчилиги йўналишида «Ўзметкомбинат» ОАЖ «И.Ф.Мухаммедов» номли металлургия маданият саройидан Тен Максим, Яқна ва чолғу ижрочилигида «Аммафос-Максам» ОАЖ «Кимёгар» маданият саройидан Сардор Сафаров, Яқна рақсда яна «Кимёгар» маданият саройидан Дилшоҳ Мирзаҳақимов, Жамоавий рақсда «Ом-малиқ кон металлургия комбинати» ОАЖ «Металлургия» маданият саройидан «Сюрприз» жамоаси республика босқичига йўланмани кўлга киритишди.

Танловда биринчи бор иштирок этишим, — дейди 15-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ирода Дашкинова. — Лирик кўшиқларни хуш кўраман. «Дўппи тикдим ипақлари тиллодан» ва «Яна баҳор» кўшиқларим манзур бўлганидан хурсандман. 5 ёшимдан «Марварид» гуруҳига қатнашиб келаман. Ўтган вақт давомида «Азиз юртим», «Жаннат ўлка», «Ватанни севдим», «Сумалак», «Шаҳрисабз» каби кўпжа кўшиқларни ўргандим.

Танлов иштирокчилари эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Назира БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

«УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2012»



Вилоят шарафини
ҳимоя этишдаги

Келажагимиз эгалари ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлаш, иқтидорли ёшларни кашф этиш ва уларнинг маҳоратини сайқаллаштиришга қаратилган уч босқичли беллашувлар тизими ўз самарасини бериб келаётган. Яқин кунларда Навоийда ушбу тизимнинг илк бўғини бўлган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика босқичи ўтказилади.

Мазкур оммавий тадбирнинг саралаш жараёни ҳам ҳар бир вилоятда ўзига хос тарзда ўтди. Хусусан, «Умид ниҳоллари — 2012»нинг Наманган вилояти миқёсидаги саралаш беллашувларида 137 миңдан ортиқ ўғил-қиз иштирок этди. Қизғин курашларга бой бўлган мусобақаларда энг иқтидорли деб топилган 139 нафар ёш спортчи Навоийда вилоят шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини кўлга киритди. Айни вақтда ёшлар якуний беллашувларга қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Белгиланган тартибга кўра, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактабларида тахсил олаётган 16 ёш ва ундан кичик ёшдаги ўқувчилар иштирок этади. Мактабдаги ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишини таъминлаш эса

маълум маънода касаба уюшма фаолиятига ҳам дахлдор. — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Курултойи ҳамда Федерация кенгашининг II пленумида қабул қилинган қарорлар асосида спорт ва соғломлаштириш ишлари самарадорлигига алоҳида эътибор қаратаётимиз, — дейди таянч сифатида белгиланган Наманган туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактаби касаба уюшма кўмитаси раиси Сожида Давронова. — Натижалар ҳам кўнгилдагидек. Хусусан, «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақасининг вилоят босқичида мактабимизнинг ўғил болалар жамоаси волейбол бўйича фахрли биринчи ўринни, қизлар жамоаси учинчи ўринни эгаллади. 5-синф ўқувчиси Мафтуна Гофурова каратэ-до бўйича республика турнирида 1-даражали диплом билан тақ-

дирланди. Андижон вилоятида ўтказилган мусобақада 2-даражали дипломи кўлга киритди. Юртбошимиз Ислам Каримов Болалар спортини ривожлантириш жағфармасининг ҳомийлар кенгаши йиғилишида иштирок этганида, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларнинг шарт-шароитлари билан юртдошларимизни яқиндан таништириш лозимлигини таъкидлаган эди. Шу тавсия ижроси асосида март ойидаги таътил чоғида ходимларимизнинг бир гуруҳини вилоят марказида қад ростилаган «Баркамол авлод» спорт мажмуасига олиб бордик. Мақсадимиз — спортни оммалаштириш, шу орқали ҳар томонлама соғлом жамиятни шакллантиришга ҳисса қўшишдан иборат. **Д. РАҲМОНОВА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди
ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Мустақил оммавий ахборот воситаларини (ОАВ) янада ривожлантириш, журналистларнинг касбий кўникмаларини тақомиллаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ошқоралиги ва очиклигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий онгини ошириш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўлимидаги йўналишлардаги лойиҳаларни қабул қилинади: - демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатини модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнларини ОАВда кенг ёритиш; - Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган давлат ва жамият бошқарувиининг ўстувор вазифаларини ҳал этишда нодавлат ОАВларнинг фаол иштирокини таъминлаш; - давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, аҳоли ва жамоат биллашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган, аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ифода этадиган қарорлар ҳақида кенг маълумот олишларини таъминлаш;

- ахборот эркинлигини, аҳолининг маълумот олиш борасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлашда, шунингдек, жамиятимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, қарашлари ва муносабатларини эркин баён этишлари зарур шароитлар яратишда нодавлат ОАВларнинг ролини ошириш; - Ўзбекистонда ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиб бориш жараёнининг нодавлат ОАВларда кенг ёритилиши; - нодавлат ОАВ томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга қўмаклашиш; - миллий матбуотнинг сифати, кадрлар маҳорати ва самарасини изчил ошириш; - ОАВларнинг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш; - аҳолининг экологик, тиббий ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, аҳоли, ёшлар ўрта-

сида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқий тарғибот ва инсон раванки йўлидаги ишларни кенг ёритишда нодавлат ОАВларнинг ролини ошириш; - ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий тарбиялаш, уларнинг дунёқараш, ахлоқини юксалтириш, уларда миллий қадриятлар ва ўз-ўзини англаш ҳиссини шакллантириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
4. Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган барча ўзгартиш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратилган грант миқдори — 15 млн. сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади. Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2012 йил 18 май соат 16:00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди
ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда иштирок этишга, шу жумладан ёш оилаларни, ёшларни ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида уларни оилавий бизнес, касаначиликка, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларида кенг жалб қилиш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўлимидаги йўналишлардаги лойиҳаларни қабул қилинади:

- жамиятда оила институти ва маҳалланинг ролини янада мустаҳкамлаш — ёш оилалар, аёллар ва ёшлар, аҳолининг бошқа қатламларини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик, халқ хунарандчилиги, айниқса, узоқ қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик фаолияти шаклланиши ривожлантиришга қўмаклашиш;
- ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлири битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга шароитлар яратиш;
- аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълимини яхшилаш;
- жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини ошириш, азалий миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда юқори одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини кенг йўлга қўйишда қўмаклашиш;
- жамиятимизда аҳолининг ҳуқуқий онгини, инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ме-

ханизмларини ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
4. Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратилган грант миқдори — 15 млн. сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2012 йил 18 май соат 16:00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг расмий сайтида танишишингиз мумкин: www.fundngo.uz. Маълумот учун тел.: 239-26-64; 239-26-76.

О'КУФ FTUU

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abdusolliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Toshev

Navbatchi:
U. Ibodinov

Musahhah:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

«Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatlida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farg'lanishi mumkin.

Tijorat materiallari
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosilishga topshirish vaqti - 22.30 Topshirildi - 22.30

Buyurtma G — 411
22013 nusxada bosildi
1 2 3 4